

**Институтнинг таркибий
тузилмасининг барча
раҳбарларига**

Т О П Ш И Р И Қ

Вазирликнинг 2021 йил 26 августдаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида Комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш тўғрисида” ги 373-сон буйруғи ижросини таъминлаш бўйича Институтнинг 2021 йил 5 октябрдаги 90/и/ч-сон буйруғи қабул қилинган.

Институтнинг 2022 йил учун “Комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва коррупцияга қарши курашишни такомиллаштириш” юзасидан амалга оширадиган вазифалари белгилаб олиниб, меҳнат фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарлар аниқланиб коррупцион хавф-хатарни олдини олиш харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилди.

Сиздан ушбу вазифалар ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашишингизни ва иловада келтирилган (1-2-жадвалда) белгилаб олинган масалаларни амалга ошириб I-чорак якуни бўйича хисоботларни **жорий йилнинг 5 апрель кунига қадар** Институтнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича координатори А.Закировга тақдим этишингиз сўралади.

Мазкур топшириқ хатига Институтнинг жорий йил учун белгиланган коррупцион хавф-хатарни олдини олиш харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастури илова қилинади.

Институт директори



З.Худайбердиев

2022 йил
17 январь